

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2018 йилга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Чора-тадбирлар режаси**

№	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар томонидан ўз мансаб ва хизмат вазифаларини бажариш сифатини баҳолаш тизимини ва стандартларини, самарадорлик мезонларини белгиловчи идоравий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2018 йил 1 октябрь	А.Темиров, Ш.Абзалов
2.	Давлат органлари томонидан ўз фаолиятининг тизимли таҳлили, коррупция хавфига дучор бўлган соҳа ва йўналишларни аниқлаш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликнинг таъсирчан чораларини кўриш асосида коррупциянинг олдини олиш бўйича чораларни амалга ошириш.	2018 йил давомида	А.Темиров, Ш.Абзалов
3.	Қуйидагиларни назарда тутувчи идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш: - ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича, шу жумладан илғор илмий-техник воситаларни, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан олдини олиш бўйича идоравий назорат механизмларини такомиллаштириш; - одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар.	2018 йил давомида	А.Темиров, Ш.Абзалов, Д.Абдубоситов
4.	Агентлик ходимлари ўртасида одоб-ахлоқ қоидалари нормалари ва талабларини, шу жумладан тренинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш йўли билан тушунтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2018 йил 1 октябрь, 2018 йил давомида	А.Темиров, Ш.Абзалов